Болаларга ўкув, ёзув билдирмак учун усули савтиянинг осонлиги неча йиллик тажрибалар ила маълум ўлдигиндан жумла ислом вилоятларининг макотиб ва мадрасалари бу усул ила тазйин ва ислох этдиклари каби 1319—1320 (милодий 1902—1903*)* йилларда бизнинг Туркистон вилоятининг хам кўп муаллимлари бу усулни ўз орзу ва ихтиёрлари ила кабул этиб, мактабларда бу усул ила таълим бермакка бошламишлар эди. Локин, таассуфки, гайратлик муаллимларимизнинг харакатлари узокка бормади. Тездан бу усулни тарк этиб, эски усулларини фойдалик топиб, анга ружуъ этдилар. Бунга сабаб на ўлди? Жумла макотиби исломияга ярагон усули савтия Туркистон мактабларина ярамадими? Хайр, афандиларим, албатта, ярар эди. Балки бу усулнинг воситаси ила ханузгача Туркистон мусулмонлари хийли тараккий топар эдилар.

Муаллимларнинг бу ружуъларина сабаб аввало усули савтиянинг надан иборат эконин билмаганлари, сониян Туркистон шеваи туркияси ила тартиб этилмиш усули жадида китобчаларина молик ўлмагонлари ўлди. Модомики, бу сабаблар мавжуд экан, муаллим афандиларимиз ружуъларида хакли эдилар. Чунки ул вактларда Туркистон мусулмонларининг гумонларича, усули савтия ёлгиз Иброхим Хаккийнинг «Акоид» манзумаси ила «Ўку Куръон яхшилаб» мисрасини кўп зикр этган тоторча бир тажвид манзумадан иборат ўлуб, хамма мактабларда, хатто кўчаларда турлук савтлар ила ул икки рисолани ўкита бошламишлар эди. Ул рисолалар ўз тилларида ўлмадигиндан маъносини болалар тугул, муаллимларнинг ўзлари хам дуруст билмас эдилар. Хол бўйла ўлса, усули савтиядан на фойда ўлсун, албатта, оз муддатда халкни хам, муаллимларни хам усули савтиядан кўнгиллари колиб, усули кадимияга кайтмаклари табиий, хам кайтдилар. Эмди эса, алхамдулиллох, ул замонлар ўтиб, Туркистон мусулмонларини ул вактларда дамини кўрсатган усули савтия бу вактларда бошка аъзоларини хам кўрсатмакка бошлади. Истанбулдан, Мисрдан, Козондан ва хар тарафдан муктадир муаллимлар келиб, охиста-охиста хар ердан мактаб очмакка, Туркистон муаллимларина усули савтия надан иборат эконин имтихонлар воситаси ила билдурмакка бошладилар. Туркистон муаллимлари хам усули савтия болаларига харфларнинг овозлари ила танитмок, ўкулгон сўзларни ёздириб, маъносини билдирмак, Бедил, Хўжа Хофизлар каби форсий ва мушкул китобларнинг бадалига эътикод, имло, хуснихат, илми хол, хисоб, тарихи ислом, жўгрофия, хандаса, хайъат ва соирлар каби диний ва дунёвий илмларни хар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўкитиб билдирмакдан иборат эконин билиб, хар бирларининг кўнгилларига усули савтияни кайтадан кабул этмак фикри тушди. Лекин на килсунлар, бу этилмиш ишларнинг хеч бирина доир ўз тилларида ёзилмиш китоблари йўк. Истанбулча, тоторча ёзилгон китоблардан эса ўз тилларини дуруст билмаган ёш болаларга бир нарсани билдирмак мумкин эмас даражада машаккатдур.

Эмди Туркистон мактабларина усули савтиянинг умуман жорий бўлмогонида бир манъи

бор эса, ул хам китобсизликдир. Чунки факир усули жадида тарафчиси ўлдигиндан кўринган муаллимни усули жадида таклиф этмакда ва алардан «Ўз тил ва хатимизда китоб йўк, тоторча китобларни ўзимиз билмаймиз, билсамиз хам, болаларга билдира олмаймиз», жавоблари ила алзом этилмакда ўлдигим каби ўзим хам беш йилдан бери китобсизлик мехнатини чекмакда, болаларга ўкитган нарсаларимни алифбога кадар Туркистон тили ва хатига таржима килиб, ёзиб ўтмакдаман. Модомики, хол бўйла экан, Туркистон мухаррирлари ханузгача усули жадида китобларини тахрир ва таржимасини шуруъ этмаганлари факир калам ожизонасини, гарчи холига номуносиб ўлса хам, оли кадар алхол усули жадида китобчаларини тахрир ва таржимасини махсур ва мажбур этди.

Хар ишни алифбосидан, яъни аввалидан бошлаб килмак конуни адабдан ўлдиги учун тахрир этгон китобчаларимни бошлаб алифбосини, яъни бу «Адиби аввал»ни бостириб хурматлу мухаррир ва муаллимларимизни интизори олияларина такдим этмагим ила баробар рижо килурмизки, маним бу китобчамни назари диккат ила бокуб, кўрингон нуксонлариндан усули савтияга хилоф ўлгон ёки болаларга билдурмаки мушкул ўлгон ерларидан факирни огох килмак ила ёрдам берсалар, шоядки 2-чи табъиким бенуксонрок ўлурди. Вассалом.

«Тужжор» газетаси, 1907 йил, 8 октябр